



- * Наврӯз Хоразмда қайлиқ танлаш байрами ҳам экан
- * Ўткир ҲОШИМОВ ўқувчилик даврини эслайди
- * Маҳбус қамоқхонада миллионер бўлди
- * Қарсак чалиш кимларга ярашади?



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 март Шанба. № 23 (14305)

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 март куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати раисининг ўринбосари Илья Клебановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари томонларнинг манфаатларига мос равишда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Меҳмонлар ҳам, Россия Ўзбекистонни ўзининг стра-

тегик ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасида ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига синдириш соҳасида ҳар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Ислон КАРИМОВ

Музейнинг ноёб экспонатлари

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга Ўзбекистон ва жаҳон спортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан берилган Олтин орден республикамиз Олимпия шон-шўхрати музейининг энг ноёб экспонати ҳисобланади.

Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари арафасида Халқаро Олимпия Кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч Президент Ислон Каримовга олимпиада бояларини нафақат республикада, балки минтақада тарғибот қилишга қўшган улкан ҳиссаси учун қимматли мукофот - "2000 йилнинг Олимпиада дарвозаси"ни юборди.

Спортчиларимизнинг Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида муваффақият қозонишига рағбатлантириши лозим бўлган бу мукофотни Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Олим-


пия шон-шўхрати музейига сақлаш учун топширди.

Мукофотни топшириш маросими Наврӯз умумхалқ байрами арафасида ўтказилди.

Шунингдек, музей экспонатлари қаторидан жорий йил феврал, ойида Тошкентда ўтказилган кураш бўйича халқаро мусобақа иштирокчилари томонидан Президент Ислон Каримовга топширилган Халқаро кураш федерацияси кубоги ҳам ўрин олади.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов ва Миллий Олимпия кўмитаси Президенти Собир Рўзиев бу қимматли совғаларни Ўзбекистон Президенти номидан музейга топширар экан, ўзбек спортчилари Сиднейдаги Олимпия ўйинларида муваффақият қозонишига ишонч билдирди.

(ЎЗА)



Шу азиз ватан сеники, болажон

Суратқаш: Рустам ШАҒАЕВ

Республика Президентининг "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонида ёшларнинг ўртақ қарашини ва маънавий салоҳиятини юқори даражада шакллантиришга хизмат қилувчи саҳна асарларини яратиб вази фаши ҳам қўйилган.

Шу мақсадда республикамиз олий ўқув юртлари қошида талабалар театр студиялари ташкил этилди. Талабаларнинг "Ниҳол" театр фестивали анъанавий тарзда ўтказилган бўлди.

Куни кеча "Ниҳол"нинг пойтахт ўқув юртлари бўйича саралаш босқичи якунланди. Сухбатдошимиз "Ниҳол-2000" фестивалининг котиби **Одил МАМАТКАРИМОВ**.

— Фестивалнинг ташкил қили-

ЁШЛИКНИНГ УНУТИЛМАС "НИҲОЛ"И

нишидан кўзланган мақсадимиз республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўзаро дўстлик, ижодий ҳамкорлик алоқаларини муштажамлаш, уларни санъатга бўлган қизиқишини оширишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам фестивалга тақдим этилаётган асарлар мавзуси халқимизнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, ёшлар муаммоларини тўла ёритишга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

— **Фестиваль шартлари нима лардан иборат?**

— Фестивални икки йилда бир марта ўтказиш анъанага айланган. Шартларимиз қийин эмас. Яъни, фестивалда қатнашувчи ҳар бир жамоага спектакл ижроси учун икки соат вақт ажратилади. Жамоа шу вақтдан оқилана фойдаланиб маъноли ва мазмунли саҳна асарини кўрсатиши керак.

Саралаш босқичида голибликни қўлга киритган техника ва педагогика университетлари, Тўқимачилик ва энгил sanoat, 2-тиббиде, санъат ва маданият институтлари театр гуруҳлари апрель ойида ўтказилган ярим финалга йўлланма олишди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқармаси бошлиги **Дўнан ҒАНИЕВ** билан ҳам фестивал хусусида суҳбатлашдик.

— "Ниҳол"нинг вилоятлар бўйича босқичлари қандай ўтмоқда?

— Куни кеча барча вилоятларда ҳам "Ниҳол"нинг саралаш босқичи якунланди. Бунда республикамизнинг 60 га яқин олий ўқув юртларининг бадий жамоалари қатнашиб, улар орасидан 21 та жамоа сараланди. Ярим финални апрель ойида ўтказилиши мўлжалланган.

— "Ниҳол"да фақат талабалар қатнашадими ёки...

— Унда нафақат талабалар, қолаверса, олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи-

лар, мутахассислар ҳам иштирок этишмоқда.

— **Ғолиблар қандай рағбатлантирилади?**

— Ғолиб деб топилган жамоа ижодкорлар ва ташкилотчилар номинациялари бўйича рағбатлантирилади. Яъни,

- энг яхши спектакл учун;
- энг яхши эркак роли учун;
- энг яхши аёл роли учун;
- энг яхши режиссура учун;
- энг яхши драматургия учун;
- энг яхши расомлик иши учун;
- бастакорларнинг энг яхши мусикий спектакли учун;
- ёшлар муаммоси ёритилган энг яхши спектакл учун;
- тарбиявий аҳамиятга молик бўлган энг яхши спектакл учун;
- энг яхши ташкилотчи раҳбар учун.

— **Совринларчи?**
— 1-2 уринларни эгаллаган жамоага махсус лауреатлик дипломи ва совғаларимиз бор. Совғанинг қандайлиги ҳозирча сир.

"Ниҳол" фестивали талабалар ва барча ёшлар учун унутилмас лаҳзаларга айланса, ажаб эмас

З. АШУРОВА,
"Туркистон" мухбири



ОФАРИН! ОФАРИН! ОФАРИН!

Халқлар Дўстлиги саройида мамлакатимиз маданий ҳаётидаги энг аҳамиятли воқеалардан бири юз берди. Карнай-сурнай садолари остида, минг бир рангда товланаётган чироқлар ёғдусида "Офарин" - йилнинг энг яхши ижодкори Республика танловига якун ясалиб, голибларни шарафлаш маросими ўтказилди.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланган бу танлов Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилди. Унга мамлакатимизнинг бир қанча йирек корхоналари, компания ва фирмалари ҳомийлик қилди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати адабиёт ва санъат, матбуот, телерадиожурналистика соҳасида ижод қилаётган истеъдод соҳибларининг энг сара асарларини талабчанлик билан кўриб чиқди ва голиблар яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Шу боис уларнинг номлари сўнгги дақиқадагина маълум бўлди.

Байрамона безатилган саҳнага бирин-кетин мамлакатимиз шаънини оламга ёяётган спортчилар, машҳур шоир ва ёзувчилар, эл ардоғидаги санъаткорлар чиқиб келади. Улар ҳакамлар ҳайъатининг қарори ёзилган конвертни олади.

Бир неча сония залга сукунат чўкади. Ниҳоят, йўналиш бўйича энг яхши деб тан олинган ижодкорнинг номи эълон қилинади.

Адабиёт ва санъат, телерадиожурналистика ҳамда матбуот йўналишлари бўйича танлов голиблари саҳнага кўтарилиб, Хумо куши сиймосидаги "Офарин" мукофотини олганда кенг зал гулдурос қарсақлар, олқишлардан ларзага келарди. "Офарин! Офарин! Офарин!" деган хитоблар янграрди. Низомга кўра, танловга тавсия этилганларнинг ижод намуналарини кўриб чиқишда уларнинг ғоявий-бадий ва эстетик савияси, мамлакатимиз ижодий-маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни нечоғли акс эттирганлиги, тарбиявий аҳамияти ҳисобга олинган. Шунга қарамасдан, танлов ҳайъати аъзоларига энг яхши ижодкорни аниқлаш осон бўлмагани сезилиб турарди. Зеро, танловга бири-бирдан муносиб номзодлар қўйилгани аён.

Маросим якунида "Офарин" - йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови ҳар доим шундай баланд савияда ўтиши ва ижодкорларимизни янги-янги ижодий зафарларга даъват этиб турувчи олий соврин бўлиб қолишига барча тилқош бўлиб қолди.

Мусулмон НАМОЗ,
Ўза мухбири

"ОФАРИН" - ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОРИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ:

Адабиёт ва санъат йўналиши:

А) "Энг яхши бадий асар муаллифи" номинацияси бўйича:

Насрий асарлар бўйича.

Шарафиддин Озод - Адабий-танқидий мақолалари ва таржималар асарлари учун. Шеърлий асарлар бўйича.

Усмон Азим - Шеърлар туркуми учун.

Б) "Энг яхши (кино, театр, оммавий саҳна) режиссёрлик иши учун" номинацияси бўйича:

Абдурахмонов Наби - Ўзбекистон Ёшлар театрида саҳналаштирилган "Ато этилган муҳаббат" спектакли режиссураси учун.

В) "Энг яхши хонандага" номинацияси бўйича:

Усмонова Юлдуз - Янги кўшиқлар дастури учун.

Г) "Энг яхши мусиқа асари учун" номинацияси бўйича:

Маҳмудов Мирхалил - "Ўтган кунлар", "Севги" ва "Чимилдик" фильмларига ёзган мусиқаси учун.

Д) "Энг яхши тасвирий санъат асари муаллифи" номинацияси бўйича:

Саъдуллаев Темур - Буюк аждодларимиз сиймоларини яратганлиги учун.

Е) "Кино ва телевидениедаги энг яхши режиссёрлик иши учун" номинацияси бўйича:

Розиқов Юсуф - "Воиз" фильми учун.

Ё) "Кино ва театр соҳаларидаги энг яхши ижрочи актёр" номинацияси бўйича:

Бегматова Азиза - Аброр Ҳидоят номидаги драма театрининг "Чеча" спектаклида Чеча образини яратганлиги учун.

Ж) Соғлом авлод йили муносабати билан "Болалар учун энг яхши бадий ва санъат асарлари" номинацияси бўйича:

Курбонова Нодира - Болалар учун яратилган санъат асарлари учун.

З) "Энг яхши созандага" номинацияси бўйича:

Исмоилов Абдуҳошим - созанда.

И) "Энг яхши амалий санъат асари муаллифи" номинацияси бўйича:

Тожихўжаев Тўлаган - ҳайкалтарош, мўъжаз пластик асарлари учун.

Телерадио йўналиши:

А) "Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи" номинацияси бўйича:

Аъзамов Қуддус - "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" кўрсатуви учун.

Б) "Иқтисодий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи" номинацияси бўйича:

Даминова Светлана - "Привитизация: Шаг за шагом" кўрсатуви учун.

В) "Маданий ва маърифий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи" номинацияси бўйича:

Қўшоқов Дилмурод - "Ҳидоят сари" кўрсатуви учун.

Г) "Энг яхши телерадиорежиссёрлик иши" номинацияси бўйича:

Жумаев Раҳмат - "Жалолитдин Мангуберди" радиопостановкаси учун.

Д) "Энг яхши телетасвирчи иши" номинацияси бўйича:

Қодиров Шариф - Республикаимизда ўтказилган оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширганлиги учун.

Е) "Энг яхши рассом безакчи иши" номинацияси бўйича:

Расулов Саидакmal - Ўзбекистон телевидениеси студияларида олинган энг яхши кўрсатувлар ва видеофильмларни юксак савияда беагани учун.

Ё) "Энг яхши телерадио мухбирлиги" номинацияси бўйича:

Обидов Мухаммаджон - "Ахборот" дастуридаги энг яхши репортажлари учун.

Ж) "Энг яхши актёрлик иши" номинацияси бўйича:

Солиҳов Равшан - Кино, театр ва телевидениедаги ҳажвий образларни маҳорат билан яратгани учун.

Матбуот йўналиши:

А) "Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи" номинацияси бўйича:

Мелибоев Аҳмаджон - Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.

Б) "Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи" номинацияси бўйича:

Каримов Наим - Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

В) "Энг яхши фотомухбир" номинацияси бўйича:

Альбеков Равиль - Мустақиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

"АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ" ТАНЛОВИ

Юртбошимиз И.Каримов ташаббуси билан 2000 йил "Соғлом авлод" йили деб эълон қилинди. Бу мамлакат ёшларининг ҳар томонлама руҳан, маънан, жисмонан соғлом ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун кўрсатилган ғам-хурликдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ҳамда "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ва "Туркистон" газетаси ҳамкорликда "Соғлом авлод" йилига бағишлаб "Алпомиш авлодлари" мавзусида асарлар (туркум публицистик мақолалар, туркум шеърлар, бадиа, хикоялар) танловини ўтказишга қарор қилдилар.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад жамиятда ёшларимизнинг соғлом ва бақувват, фикран теран, маънан баркамол бўлиб вояга етишишлари келажаги буюк давлат учун нақадар зарур эканлигини чуқур англаш, шу билан бирга ўтмиш тарихимиз, қадриятларимиз, бой маънавий меросимизни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Танлов шартлари

"Алпомиш авлодлари" мавзусидаги танловда:

- ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбунаар коллежлари ўқувчилари;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари;
- халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган 35 ёшгача бўлган фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ёзилган асарлар машинкаланган бўлиб, 4-5 бет ҳажмидан ошмаслиги лозим. Танловга юборилган асарлар сараланиб, "Туркистон" газетаси саҳифаларида ёритилиб борилади ва ташкилий кўмитага тақдим этилади.

Танловни ўтказиш муддати
Мазкур танлов 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида якунланади.

"Алпомиш авлодлари" танлови ғолиб ва совриндорларига таъкилотчилар, шунингдек, хомийлар томонидан ажратилган куйидаги мукофотлар топширилади:
I ўрин 1 та 30000 (ўттиз минг) сўм
II ўрин 2 та 20000 (ийгирма минг) сўмдан
III ўрин 3 та 15000 (ун беш минг) сўмдан
Шунингдек, ҳар бири 5000 (беш минг) сўмдан 5 (беш) дона рағбатлантирувчи мукофотлар берилади.

Асарлар қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:
Тошкент 83, Матбуотчилар кўчаси 32,
"Туркистон" газетаси таҳририяти



ШАҲАРДА ЎҚИЙДИГАНЛАРГА МАЪЗА

Қишлоқда яшасамда, хаёлларим дунё кезади. Айниқса, ойнаи жаҳон орқали намойиш этиладиган шаҳар тасвирини, у ерда таҳсил олаётган тенгдошларим ва укасингилларимни кўриб, уларга нисбатан ҳавасим ортади. Қишлоғимизда ёшларга эътибор умуман йўқ. Шуларни ўйлаб хўрлигим келади.

Сайхунобод туманидаги 17-Алишер Навоий номли мактабни ўтган йили битирдим. Битирдим, мактабда олган аъло баҳоларим, билимим олий ўқув юрларига кириш даражасида эмаслигидан афсусландим. Имтиҳондан ўтолмагач, бутун орзу-ҳавасларим чил-чил бўлди. Бунга мактабимни айбламоқчи эмасман. Аммо, бу даргоҳда билим берувчи ўқитувчиларнинг йўқлиги, синфхоналарнинг совуқлиги натижасида ёпиб қўйилиши энди-энди кеч бўлса-да юрагимни эзади. Ўқиш бошланди, деганда пахта даласига чиқамиз, сўнгра қишда мактаб тоmidан сув ўтиб "вақтинча" ёпилади. Баҳор келиши билан ўқувчилар яна ёппасига далага чиқишади. Тўғри, болаларни ёшлигидан меҳнатга йўналтириш яхши, аммо билим ҳам керак-ку! Айрим ҳолларда, 45 дақиқалик дарсда тўрт-беш мавзу ўтилишини бир ўйланг. Алам қиладигани, бизнинг мактабдан бирорта ўқувчи олий ўқув юрларига киролмайди...

Биз қишлоқликларнинг шаҳар мактабда ўқийдиган шаҳарликлар-

га ҳавасимиз келади. Уларга яратилган шароит, имкон қанийди бизда ҳам бўлса. Кўпгина ёшлар чет элда ўқиб, Ватан тараққиётига ҳисса қўшамиз дейди-ю, қишлоқни кўтарадиганлари топилмайди. Мактабимни, қишлоғимизни бутунлай ерга уриб юбормоқчи эмасман.

Лекин шу азиз қишлоқнинг жонқуяр қизи сифатида айтмоқчиманки, биздан кейинги ўқувчилар пуншаймон нелигини, орзу-ҳавасларининг чиппака чиқишини хохламайман. Чунки, қишлоқ ёшлари умид, сабр билан яшашади. Шунча сабр қилганимиз етар. Президентимиз биз ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб камол топишимиз учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида қайғуряпти. Аммо маҳаллий раҳбарларнинг ношудлиги оқибатида ёшлар бундай гам-хўрликлардан баҳраманд бўлмаёпти.

Латофат ХИДИРАЛИЕВА,
Сирдарё вилояти

Институтимиз миқёсида ўтказилган бир тадбирда минбар талаба-ю домлалардан бўшамади. Маърузачилар нималарнидир куйиб-пишиб гапиришарди. Залдагилар ҳам гўё янги бир гап эштаётгандек уларни қарсақлар билан олқишладилар. (Бу нафақат бизда, сизда ҳам учраса керак муштарий).

Йиғин ҳам тугади. Бир тўда болалар уйга қайтяпмиз. Автобусда кетяпмизу, ҳали сўзга чиққан, тинимсиз қарсақлар билан олқишланган тенгдошларимиздан бири ўзига ярашмаган бир қилиқ қилди. Унга: "Агар шу ҳаракатингни Бухорий бобомиз кўриб қолсалар, ажаб ҳолатга

Аждодларимиз қилган ишларини хотирлаб, фахр ҳиссини туйиш жуда яхши. Лекин, бугун биз ота-боболаримиз номи билан фахрланаяпмиз, аммо келажак авлодларимиз

ҚАРСАҚЛАР ҲОЗИРЧА ҚЎЛТИҚЛАРИМДА

тушган бўлардилар-а?" дедим. У эса нимага киноя қилаётганимни тушунди шекилли: "Мулланинг айтганини қил-у, қилганини қилма", деди ҳозиржавоблик билан... Афсуски бундан бир муддат олдин у ал-Бухорий ҳазратларининг оламшумул хизматлари ҳақида тинмай гапириб мактанган эди.

Марҳум шоиримиз Шавкат Раҳмон: **...Қарсақлар ҳозирча қўлтиқларимда Митти мушуклардай мудрайди тафтдан. Ахир, ўзбекнинг бир ўжар шоири Қарсақ чалармиди бемаъни гапга, деб беҳиз айтмаган экан.**

Тўғриси, шунга арзигулик нималар қилдик? Етар, тенгдошим, истиқлол туфайли аждодларимиз номини баралла айтишни ҳам ўрганиб олдик. Энди уларга муносиб ворис бўлишимизни ўйлайлик. Нималар қилишимизни, нималарга қодир эканлигимизни гапда эмас, амалда кўрсатайлик. Зеро, ота-боболаримиздан қолган меросга кўз тикиб юришининг вақти ўтди. Бугунги ниятимиз эртанги ҳақиқатга айланса, ҳар бир ишни ақл тарозусида, иймон кўзгусида идрок этолсақкина, биз ёшларнинг шаънига осмондан қарсақлар янграр...

Захриддин ТўРАЕВ,
талаба

МОЎЪ СЕВИШТА ҲАҚИ ЭМАСМИ?

Азоб ичида қолганимдан сизларга мактуб йўллаяпман. Ҳадемай билим юртини битирамиз. Гапнинг очиги, мен курсдошимни севаман, у қиз ҳам мени ёқтиради. Биз бир-биримизни тушунамиз. Уйдагилар ҳам оила қуришимизга рози. Лекин билим юртидаги домлалар, яъни қизлар гуруҳи раҳбари бизнинг севгимизга қарши. Мен туфайли уни давлат имтиҳонидан йиқитишини 26 талаба олдида айтди. Наҳотки бахтли яшаб кетишимиз домлага ёқмаса? Севиш гуноҳми?

Мен отасиз вояга етганман, ишонганим ёлғизгина онажоним. Такдир бизни бирлаштирар. Шунда бир кун келиб домла бизни кўрганида афсусланиб қолмасмикан? Мен туфайли жонимдан ортиқ севадиган кишим имтиҳондан йиқилишини истамайман. Қишлоқлик қиз. Обрўси синса қайта тикланмайди.

Дардимни сизларга айтиб, ўзим озгина енгил тортдим. Бу хат орқали барча ўқитувчиларимизга илтимос қилиб айтмоқчиман: талабаларингиз ўз болаларингиздек-ку! Фарзандларингиздан ўч олишининг нима кераги бор?

Педагогика билим юрти толиби А.

ДАРС ҲАДВАЛИ:

- 1 пара
- Талабашўносликка кириш:
- а) қишлоқ ёшлари шаҳарликларга ҳавас қилмади
- 2 пара
- Домлашўнослик асослари:
- а) Ўқиб ҳошимовга сабоқ берган домла
- б) сирўқига ўқийдиган талабанинг ҳуқуқлари
- 3 пара
- Тарихшўнослик
- а) Ўнгишлар "Ашша гароз" айтган даврлар
- 4 пара
- Эркин соат:
- "Шоввоз"ларнинг ичакўзги хангомалари

Яқинда республиканинг барча олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ёшларни оила қуришга тайёрлайдиган янги махсус курс ўқитила бошлади. Мазкур курс дастури республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган. Маърузалар ёш йигит ва қизларга оилавий муносабатларни тўғри қуриш, болалар тарбияси учун яхши маънавий муҳитни юзага келтиришни ўргатишга қаратилган. Тингловчилар мазкур муаммоларнинг руҳий, тиббий жиҳатла-

оилалар учун ётоқхоналарда зарур маиший техника билан жиҳозланган ва болалар тарбияси учун шароит яратилган алоҳида яшаш жойларини ажратиш кўзда тутилмоқда. Ота-оналари машғулотларда иштирок этаётган пайтда болаларга асосан собиқ пенсионер ўқитувчилардан иборат тарбиячилар қараб туради. Ётоқхоналарда болаларнинг ўйнаши, ухлаши ва овқатланиши учун махсус "болалар хоналари" ташкил этилади.

Ёрдамга муҳтож ёш оилалар моддий ёрдам - ҳар ойлик нафақа ва болалар учун бепул мавсумий кийим-кечакларни олади. Бунинг учун зарур маблағ ҳар бир олий ўқув юртида бюджетдан ташқари пуллар

СОҒЛОМ АВЛОД ДЕТАЛИ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ДЕТАЛИ

ри билан танишади. Машғулотларни педагог, социолог, руҳиятшунос ва шифокорлар олиб боради. Улар бу ишга киришишдан олдин махсус ташкил этилган семинарларда тайёргарликдан ўтади. Шунингдек, "Оила психологияси" номли янги дарслик ва "Психологнинг минг бир жавоби" туркумидаги ўқув қўлланмалари тайёрланмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан янги ўқув курси ишлаб чиқилгани - "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи доирасида амалга оширилган ишдир. Мазкур чора-тадбирлар вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида тасдиқланган. Бу борадаги ишларни ташкил этиш, шунингдек, мамлакатимиздаги ўқув юртларида Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида" ги Қарори ижросини назорат қилиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тuzилди.

Оилали, фарзанд кўрган талабаларни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Улар учун "Ёш оналар мактаблари" ташкил этилиб, унда талаба-оналар янги туғилган чақалоқларга қараш, овқатлантириш ва муомала қилишга ўргатилади. Бундай

ҳисобидан шакллантириладиган "Ғамхўрлик" жамғармасидан ажратилади.

"Соғлом авлод" давлат дастурини амалга оширишда иштирок этиш ўқув юрти доираси билан чегараланиб қолмайди. Ҳар бир олий ўқув юрти меҳрибонлик уйларида бирининг тарбияланувчиларига ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олади. Уларга нафақат бевосита ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, балки турли байрамлар уюштириш, концертлар ва саёҳатлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Маҳаллалар, яқин атрофдаги турар жой мавзелари аҳолиси билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланади. Ўқитувчилар ёш авлод тарбияси билан шуғулланувчи маҳалла фаоллари қаторидан жой олади.

Олий ўқув юрти таълим маскани эканидан ташқари, илм-фан маркази ҳамдир. Шунинг учун олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчи таркиби зиммасига "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга оширишнинг услубий асосларини илмий ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлиб, бу ишда барча давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, жамиятимизнинг барча аъзолари иштирок этиши шарт.

**А.Иванова,
ЎЗА мухбири**

ДАФТАР ХОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

Тўртинчи "А" синфда ўқирдим. Ғалати ўқитувчимиз бор эди. Ўзи найнов. Ҳар қадам босганида боши лиққилайди. Туянинг ўзи... Шўхлик қилсак, койимайди, фақат "ҳа болажон-а, болажон!" деб хўрсиниб қўяди. Унга сайин биз баттар тўпалон қиламиз... Аммо кўзларини ярим юмиб шеър ўқиганида синфимиз жим бўлиб қолади... Ўша шеърларининг баъзи сатрлари чала-ярим эсимда қолган. **"Ҳақиқатни кўрганларнинг кўзи кўрдир, ҳақиқатни тингланганнинг қулоғи қар..."**

Кунлардан биринида ўқитувчимиз дарсга кирмади. Эртасига ҳам... Индинига ҳам...

Қизиқ, биз уни соғина бошладик.

Бир ҳафтадан кейин янги муаллим келди. Тўртинчи "Б"нинг муаллими. "Кителли" муаллим. Кўриниши шу қадар кўрққули эдики, ҳамма пилдирпис бўлиб қолди. Ора-миздаги дадилроқ бола "ўзимизнинг маълум қани?" деб сўраган эди, "кителли" муаллим сапчиб ўрнидан турди.

— Шоир маълимнинг Магаданда! -деди қўлини паҳса қилиб. -У — маълум эмас. Халқ душмани! Антисовет шоирларнинг шифирини ўқиган! Мутаассиб! Диндор! Маълимнинг соғинган бўлсан, отанга айт: иккалангни маълимнинг олдига жўнатамиз!

Кейин бир-бирдан ваҳимали гаплар тарқалди. "Шоир — ўқитувчи халқ душмани экан. Янги маълум тегишли жойга ёзиб берибди..."

"Кителли" муаллим яна анча йил дарс берди. Аммо бирон марта "шиғир" ўқимади... Орадан кўп йиллар ўтди.

Наврўз байрами бўлаётган эди. Бир маҳал микрофонда таниш, виқорли овоз жаранглаб қолди:

— Биродарлар! Яратган эгамга шукроналар қилинг! Асрий аънаналаримиз тикланди. Наврўз — халқ байрами. Ҳаммамизнинг



*Ўткир ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

байрамимиз!

... Қарасам, ўзимизнинг "кителли" муаллим. Деярли ўзгармабди. Ҳамон тетик. Ҳамон виқорли... Фақат эғнида жигарранг кител эмас, тўн. Бошида дўппи.

"Кителли" муаллимнинг гапига маҳлиё бўлиб, рўпарамда ўтирган қарияга эътибор бермабман. Бир маҳал қариянинг ўзи гап бошлаб қолди:

— Сиз мени танимайсиз. Мен сизни китобларингизни ўқийман, болажон!

"Болажон" дегани қалбимда қандайдир соғинч туйғуларини уйғотгандек бўлди. Покиза кийимли, қадди букук қарияга син-

чиклаб қарадим.

— Сиз...

— Ҳа-да! -деди қария мулойим қулиб. — Мен ўша "шоир" ўқитувчингизман. Хурсандман, болажон, ёзганларингиздан хурсандман.

... Агар микрофонда "кителли" муаллим ваъзини чўзмаса, бошқа мавзуга кўчган бўлардик...

— Домла, -дедим қарияга. — Манавилар ҳамон ваъзхонлик қилиб ётибди. Ахир сиз...

— Начора, -деди қария хотиржам аллозда. — Эшак қачон хоҳласа, қаерда хоҳласа, хусуматим йўқ... Бир зум ўйланиб турди-да, синиқ жилмайди. — Бир хангомани айтиб берайми?... Эсини еб қўйган чолни маъзур тутасиз. Бу гапларни китобдан ўқиганимиз, ё эллик иккинчи йили "у ёққа" жўнатишганида этагдан эшитганимиз, эсимда йўқ. Аммо маъноси бундай.

Қадим замонда бир сарбон бўлган экан. Кўп юртларга борибди. Кўп азият чекибди. Ёшини яшаб, ошини ошаб, вақти-қазоси етганини сезибди. Бола-чақалари, қариндош-уруғлари билан рози-ризолик сўрашибди. "Мендан розимисизлар" дебди. "Мингдан-минг розимиз" дейишибди.

Ногаҳон яна бир қадрдо-ни сарбоннинг эсига тушибди. Қирқ йил хизматини қилган туяси бор экан. Шу билан ҳам видолашадиган бўпти.

"Вақти келса керагидан ортиқ юк ордим, вақти келса, сувсиз қолдинг, оч қолдинг, мендан розимисан?" -деб сўрабди туядан.

"Розиман, -дебди туя. Тўғри, юк ҳам ортдинг, сувсиз ҳам қолдирдинг. Нимаики қилсанг, қарвон манзилга беҳатар етсин, деб қилдинг... Аммо бир марта сендан қаттиқ дилим оғриган. Бир гал менинг жиловимни эшакнинг думига боғлаб қўйгансан... Ўшанда эшак тупроқ чангитгани етмагандек бир-икки марта тумшугимга тепди... Сен бўлса, қулиб томоша қилдинг..."

Қария жимиб қолди. Тагин синиқ жилмайди.

Н.НАБИЖОНОВ. Мен педагогика институтининг сиртки бўлимида ўқийман. Имтиҳон сессияларини топшириш даврида мен ишлаётган корхона раҳбари ишдан бўшатгиси келмайди. Мен-

ки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим

ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календарь кун, диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса

Т.ОБИДОВА. Мен техникумнинг кечки бўлимида ўқийман. Машғулотлар соат 19 да бошланади. Иш вақтим эса соат 18 да тугайди. Ишхонамиздан иш вақтимни бир соат илгари тугатиш учун рухсат сўрасам, директор жавоб бермаяпти. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув оиди давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб

қолади.

С.ХОЖИЁРОВ. Мен ўрта мактабда тарих фанидан дарс бериш билан бирга илмий иш ҳам қиляпман. Сиртдан ўқийдиган аспирантларга ижодий таътилар бериш тартибини билмоқчи эдим.

ЖАВОБ: Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътилар берилади.

Ижодий таътиларни бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

ТАЛАБАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

га ўхшаб "сиртки" да ўқийдиганлар қандай ҳуқуқларга эга?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 256-моддасига кўра Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ёшларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида таътил берилади, яъни: биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кеч-

олаётганларга эса, ҳар йили камида ўттиз календарь кун; учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида қирқ календарь кун; олий ва

икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътилар берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охириги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилди. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

Даре

Знара: Домлашчинослик

Ўзбек халқининг қанчадан-қанча суронларни бошдан кечириб келаётганини биргина ўлмас қадриятларимиз тимсоли бўлиш Наврўзи олам мисолида ҳам кўриш мумкин.

Азалдан Хоразм воҳасида Наврўз ўзига хос шаклда кутиб олинган. 21 март Янги йилнинг илк куни, деҳқонларнинг амалий ишга киришиш, қишдан омон чиққанларига шукрона айтиш палласи сифатида олқишланади. Шу билан бирга, у кўпроқ ёшлар байрами деб қабул қилинган. Бозорларда, дала ва хиёбонларда ташкил этилган сайилларда асосан йигит-қизлар ўйинкулгу қилиб, яйраб-яшнаганлар. Йигитларнинг қаллиқ танлаши учун энг қулай фурсат ҳам Наврўз бўлган. Сулувлардан ўзига муносибини танлаган ўспиринлар уларга қараб шеър, лапар айтганча қўйнидан олма ва турли рангларга бўялган, пиширилган тухумларни олиб отишган. Чеча ёки дугоналари аргимчоқни тебратишиб, қизнинг муносиб жавоб қайтариши учун кўмаклашиб турганлар.

Олмани олдинг отганга, ниманима дейсиз?

Гул боқчадан ўтганга, ниманима дейсиз? - каби лапарлар завқшавқ билан куйланган. Бу аъна муқаддас ҳайит байрамларида ҳам давом этган. Аслида буларнинг

нинг луғавий маъноси борасида аниқ фикр билдиришга ожизлик қиладилар. Шундай бўлса-да Хоразмнинг Хонқа, Қўшқўпир, Хива туманларидаги айрим қишлоқларда ҳозир ҳам "Ашша дароз" ясаб сайилларга шодлик тусини берувчилар йўқ эмас. Бироқ, юқорида тилга олинган ёшларнинг айтишувлари Фарғона водийсида сақланиб келаётган "гул базми"га ўхшаб кетадиган "Олма отишма" одатлари негадир кейинги 40-50 йил ичида йўқолиб кетган. Буни фақат кексаларнинг хотиралари ва айрим ёзма манбалар ҳамда ҳар йили воҳада бўлиб ўтадиган Наврўзи айёмнинг театрлаштирилган томошалари орқалигина кўра миз.

Яна, Наврўз сайилларида йигитлар учун чўтирма-телпак отиш аънаси авж олган. Бунда балоғатга етган йигитлар кўз остига олиб юрган қизга қараб бошидаги чўгирмасини зарб билан отганлар. Қиз агар йигитга турмушга чиқишга рози бўлса, чўгирма теккан пайти йиқилмаслиги шарт. Агар акси бўлса, ёлғондакам бўлса-да йиқилишга мажбур бўлган.

Кум тўлдими, жоним

ҚАЙЛИҚ БАЙРАМИ

бари азал-азалдан шакланган бўлиб, Исломи дини кириб келгач ҳам сақланиб қолган.

Хоразмликлар Наврўз сайлига зўр иштиёқ билан тайёргарлик кўришиб, бор маҳоратларини "Ашша дароз"ни безатишга сарфлаганлар. "Ашша дароз" узун ҳодадан ясалган. Турли хил либос ва безаклар билан уни аёл кийфасига ўхшатганлар. "Ашша дароз" тайёр бўлгач, йигитлар уни кўтарганча сайилма-сайил, маҳаллама-маҳалла юришган.

ЙИГИТЛАР: "Ашша дароз"и меварам,

Юзингни гўрсат манга. Мен гетарман шаҳри Кўқон, Сандан нишон қолсин манга, - дейишса,

ҚИЗЛАР: "Ашша дароз"и меварам, Вақти намози меварам, Юзимни гўрсатмасман, Гетсанг бошим садағаси, - қабилида жавоб қилишиб, сўзга чечанлик ва зукколигини намойиш этганлар. Сайил давомида қиш бўйи умумий сафарбарлик йўли билан тозаланган ёп (канал) ва ариқларга тўғондан сув юбориш тантанаси қизгин тус олган.

"Ашша дароз"ни пишириб оқиб келаётган сувга ташлаб юбориш билан сайил ниҳоясига етган. "Ашша дароз"ни сув оқизиб кетса, шу йилги деҳқончилик мўл-кўллигидан, сув танқислиги юз бермаслигидан дарак эмиш. Улкашунос-этнографлар "Ашша дароз"ни қадимий хоразмийлар дини бўлмиш оташпарастлардан мерос одат деб таъкидласалар-да, унинг аниқ қандай келиб чиққанлиги, "ашша" сўзи-

қора гўзинга, Чўгирмани олдинг бойнинг қизина. Ман ғарибни назар-писанд этмадинг, Зор бўларсан бир кун босган изима, - деган термалар ўз севган йигитининг чўгирма отишини кутиб ноумид бўлган бикалар (қизлар)нинг армонларини акс эттиради.

20-30-йилларда оила қурган момо ва боболаримиз айнан Наврўзи айёмда олма, чўгирма отишиб, бир-бири билан топишгани ҳақидаги хотиралари ҳам биз учун эртақдай туюлади. Асли миллий қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда пайти келиб видеолардаги ҳар хил-бақир-чақирлардан иборат жазавали хорижий кўшиқлардан, ур-сур, йиқитлардан иборат кинофильмлардан кўра ёшлар ана ўша асл аъналаримизни томоша қилишса ёмон бўлмас эди.

Эрпўлат БАХТ, журналист

НАВРЎЗЛАРГА МУНОСИБ

*Сирли коинот кўрки юлдузларга муносиб,
Чексиз тўлқинлар мавжи денгизларга муносиб,
Ҳадсиз қувонч ҳадиксиз шу кўзларга муносиб,
Даврон келди, дўстларим, сиз бизларга муносиб,
Чирок очмиш диёрим наврўзларга муносиб.*

*Минг бир тўй тантанаси шу байрамда кўринар,
Боболар аънаси шу байрамда кўринар.
Эркин халқ нашидаси шу байрамда кўринар,
Қутлаб гуҳар сочайлик гул юзларга муносиб,
Чирой очмиш диёрим Наврўзларга муносиб.*

*Кўнғироғи жаранглаб карвонимиз борадир,
Улуғ йўлга етаклаб сарбонимиз борадир,
Куртак ёзиб дилларга имонимиз борадир,
Не бахтки, бир сўз топсак шу кезларга муносиб,
Чирой очмиш диёрим наврўзларга муносиб.*

*Зар кокили нур сочган қуёшинг омон бўлгай,
Қалбинг тимсоли - осмон, бардошинг омон бўлгай,
Дилдош бўлиб дил очган қардошинг омон бўлгай,
Кенг дастурхон ёзайлик ёр-дўстларга муносиб,
Чирой очмиш диёрим наврўзларга муносиб.*

**Эркин РЎЗИБОЙ,
1-гурух ногирони, кўзи ожизлар
корхонаси ишчиси**



СОҒИНИБ КУТГАНИМ СЕНМИДИНГ?

Ногоҳ тўхтаб қолган мусиқа овози барчанинг диққатини ўзига тортди. Даврада мактабимиз директори баланд овозда сўзлади:

— Ўртоқлар, ҳаммангиз уй-уйларингизга тарқалишларингизни сўрайман. Юқоридан шундай буйруқ бўлди. Наврўз эскилик сарқити эмиш. Уни байрам ўрнида нишонлаш қатъиян ман этилди.

Кўзларимдан аччиқ, аламли ёш қалқиди. Вужудимда қандайдир оғир хўрланиш, эрксизлик ҳукмрон эди. Ўша кунни ҳеч унутолмадим. Бир оғиз гап билан бўғзимиздаги дил сўзларимизни айтмай, ажойиб айём тантанасини ҳамгин чехралар ила кузатдик.

Кейин уни кўп соғиндик. Яширин, яширин. Кўпчилигимиз Наврўз нелигини унутдик. Лекин у бизни унутмади. Яхши кунларда қайтишни умид қилган экан. Яна қайтди. Юртига байрамлар ярашган кунда.

Наврўзим — жаннатим, элу юрт ризку рўзини қўлларидан инъом этаётган деҳқон бобомсан, юзлари офтобда қорайган, орқасида бола, елкасида кетмонини кўтарган мунис онамсан. Олтин бешик ёнида дилбандига дунё армуғон этаётган, сўмбул сочларидан мушки-анбарлар иси уфуриб, она заминга латофатидан чирой бахш этаётган гўзал келинчак. Ассалом! Соғиниб кутганим — Наврўз...

**МУСАЛЛАМБОНУ,
талаба**

Ҳар кунинг Наврўз бўлсин Наманган вилоятида Наврўз байрами арафасида ташкил қилинган шанбаликда 25 миллион сўмдан ортиқ маблағ ишлаб топилди. Бу маблағнинг асосий қисми қадимий ва гўзал ба-

нинг бошланиши халқимизнинг севган байрамларидан бири сифатида кенг нишонланади. Катта байрамлар арафасида бўлганидек, ундан олдин кўп ишлар амалга оширилади. Вилоят ҳокимининг махсус қарори билан эълон қилинган тозалик,

моқда. Мехрибонлик уйлари, махсус уй-интернатларнинг тарбияланувчилари алоҳида диққат марказда. Кўп сонли ҳомийлар томонидан тайёрланаётган махсус байрам дастурида болаларни совға ва ширинликлардан ташқари турли томошалар ҳам кутмоқда.

Байрам кунлари ҳар бир хонадонда аънавий баҳорий таом - сумалак улашилади. Уни барча меҳнат жамоалари, маҳаллаларда тайёрлаш мўлжалланмоқда. Байрам меҳмонлари ва иштирокчилари учун кўп сонли савдо ярмаркалари ташкил этилади.

Наврўз бошқа байрамлардан маданий-кўнғилочар томошаларга бойлиги билан ажралиб туради. Наврўз арафасида жамоатчилик ташкилотлари, турли жамғармаларнинг вилоят бўлинмалари томонидан эълон қилинган танловларга яқун ясалади. Бадий ҳаваскорлик кўрик-танлов-

ларидан ташқари, "Энг намунали маҳалла", "Спортчилар оиласи" танловлари ўтказилади. Барча жойларда бадий ижод, халқ хунармандчилиги асарлари кўргазмалари ташкил этилади.

Наврўз арафасида янги қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш эзгу аънага айланган. Булар маъмурий бинолар, спорт иншоотлари, савдо мажмуалари ва маҳалла гузарларидир. Ва ниҳоят, байрам тадбирлари Наманганнинг марказий Тинчлик майдонида икки мингдан ортиқ томошабин иштирокида ўтказиладиган театрлаштирилган томошалар билан яқунланади. Наврўз кунлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтади.

**Н.Хўжаева,
ЎЗА муҳбири**

Баҳор ва умид шодиёнаси

хор байрами тантаналарига сарфланади.

Наврўз тантаналари Наманган вилоятида қандай ўтказилиши тўғрисида вилоят ҳокими ўринбосари Иброҳимжон Юсупов қуйидагиларни гапириб берди:

- 21 мартга тўғри келади баҳор-

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги яхши натижа берди. Наврўзга хос қадимий аъналардан бири ердამга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кўмак беришдир. Шу кунлари ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга янада кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатил-



3 наара: Тарихишunosлик

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги "Шоввозлар" гуруҳининг ташкил этилганига бу йил етти йил тўлади. 1993 йилда илк бор Фарғонада ўтказилган "Талабалар баҳори" фестивалида қатнашиб мутлақ голибликни қўлга киритган гуруҳ шу-шу ижоддан

— Нега айнан "Шоввозлар"?
Гулнора:
— "Талабалар баҳори" фестивалига тайёргарлик бошлаганимизда гуруҳимиз номи "Сардоба" эди. Эмблемалар, деворий газеталар шу ном асосида тайёрланган. Мусобақага бир кун қолганида ўзгартиришга "мажбур" бўлдик.



"ШОВВОЗЛАР" ДАТИ

чарчамади.

"Шоввозлар" гуруҳида:

Олимжон Худойназаров — гуруҳ сардори. Ҳозирда ЎзМУ "Камолот" жамғармаси жамоатчилик маркази раиси.

Дилшод Ҳасанов — тарихчи,

Муроджон Ниёзов — иқтисод факультети талабаси.

Икромжон Насруллаев — математик, ҳозирда Миробод туман ҳокимлигида ишлайди.

Ваҳобиддин Зиё — журналист, "Ёшлар" радиоканалининг бошловчиси.

Гулнора Исмоилова — иқтисодчи, Ўзбекистон Давлат ва жамият қурилиши Академиясида ишлайди, "Шоввозлар"нинг шоираси ҳамда "қўриқчи"си.

Зафар Олимбеков — физик.

Фаррух Эгамбердиев — биология факультети талабаси.

Гавҳар Умрзоқова — биология факультети талабаси. Сухбатни бошлар эканман, биринчи саволим гуруҳнинг номланишидан бошланди:

Дилшод:

— Бунга оддий бир ҳолат, тўғрироғи, қоровул чол сабабчи. Маданият саройида биз эрталабдан кечгача тинмай тайёрланамиз. Бир куни кечки пайт машқдан сўнг, уйга қайтаётганимизда қоровул:

— Ҳа, шоввозлар! Уйгами, - деб қолди. Бизга нисбатан кўлланилган бу сўздан руҳимиз кўтарилиб кетди.

Муроджон:
— Уша заҳоти изимизга қайтдик. "Сардоба"ни, "Шоввозлар"га айлантирдик. Мусобақага бир кун қолган бўлса-да, ҳамма эмблема ва деворий газеталарни қайта ишладик.

— "Шоввозлар" бошқалардан нимаси билан фарқ қилди?

Олимжон:
— Бизнинг услубимиз кучли юмор остида саҳна кўринишини намойиш этиш. Қўшиқчиликка, миллий мусиқага кўпроқ эътибор берамиз. Хангомаларимизда қайтариқ гаплар ишлатилмайди. Шоиримиз: "Теша тегмаган" гапларни топшиш ва йиғиш".
— Саҳнада қизлар билан

ёнма-ён туриш ёки эр-хотин ролини ўйнашингиз табиий. Турмуш ўртоғингиз рашк қилмайди?

Дилшод:
— Йўқ. Фақат орамизга "қўриқчи" кўяди. У ҳам бўлса, Гулнора. Ортиқча ҳаракат қилсак, Гулнора хотинларимизга биринчи

ШОВВОЗЛАР

бўлиб етказди. Бўйдоқларимизга эса ҳеч нарса демайди.

Саҳна ортидаги ҳаёт.
Муроджон:
— Гуруҳимиздагиларнинг ҳам-

Икки ўртоқ учрашиб қолишибди. Бири иккинчисига дебди:

— Нега хафасиз?
— Э, уйда мусибат ука.
— Нима бўлди?
— Кеннойингни ит тишлаб олди.
— Кеннойим тузукмилар?
— Кеннойинг тузук, ит ўлиб қолди.

"Шоввозлар"

маси турли касб эгалари. Санъаткор йўқ. Гоҳида, саҳнага чиқиш пайтида бир-биримиз билан

тортишиб қоламиз. Айниқса Икром билан Фаррух. Иккаласи роса гижиллашади-да, саҳнага чиққанда тиржайиб, ҳеч нарса бўлмагандай ролга кириб кетади.

Олимжон:

— Ўтган йили республика Олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган "Кувноқлар ва зукколар" мусобақасининг финали "Ҳамза" театрида бўлганди. Бу мусобақа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Саҳнага чиқишимизга ярим соат вақт бор. Мен билан Икром қиз бола кийимидамиз.

Гримм жуда кучли бўлганидан фарқлишимиз қийин. Ҳаяжондан сигарет тутатиб турибмиз. Иккита эркак келиб:

— Яхши қиз, сигаретдан тута-

аммо ноҳақлик бўлса кўнглимиз чўқади.

— "Шоввозлар"дан санъат йўлини танлаганлар борми?

Гулнора:

— Бор. Дилшод билан Икром қўшиқчилик соҳасида ўзларини синашпти. Илк қўшиқлари радиода янграмоқда.

— Камчиликларингиз тўғрисида...

Дилшод:
— "Шоввозлар" саҳнада ҳамма нарсани эплайди. Қўшиқ айтади, фақат, йигитлари рақсга тушолмайди.
Гулнора:

— Мен эса қўшиқ айтолмайман.

— **Орзуларингиз?**
Дилшод:

— Бизни ҳамма танишини, кетаётганимизда ана "Шоввозлар" кетяпти, дейишини хоҳлардим.

Гулнора:
— Ниятимиз "Эколаш"да чиқиш.

Олимжон:
— Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикояси асосида юмористик саҳна кўринишини қўйиш.

Муроджон:
— Олим ака биз керак бўлсак, ҳар доим "ош" қилиб чақиради. Шунда қаерда бўлмайлик "Шоввозлар"нинг ҳаммаси йиғилади. Ниятим, гуруҳимиз тарқаб кетмасин.

ЗИЁДА,
"Туркистон" мухбири

ТОПШАН

1. Нега ўрдак лапанглаб юради?

2. Нега туз кристалларининг ранги йўқлигига қарамасдан улар биргаликда оқ ёки сарғиш рангни олади?

3. Нега ҳўл қоғоз қуруқ қоғозга нисбатан осонроқ йиртилади?

4. Нега қўл соатларнинг муруватини кечкурун эмас эрталаб бураш

тавсия этилади?

5. Нега тоза қор чанг босган ифлос қорга нисбатан секинроқ эрийди?

6. Нега ичига қанд ташланган чой қандсиз чойга нисбатан тезроқ совийди?

7. Нега кичкина металл парчаси сувда чўкиб кетадию, металлдан ишланган баҳайбат кема чўкмайди?

Жавобларингизни таҳририят манзилига йўлланг

ТОПАЛОҚ




Ўсмирларнинг тиббий маркази

Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан "Соғлом авлод" давлат дастурига мувофиқ қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ўсмирлар тиббий маркази фаолиятининг йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу марказга келган ёшлар малакали шифокорлар ёрдамида тўлиқ тиббий кўриқдан ўтишлари мумкин. Марказ қошида биокимёвий ҳамда клиник лабораториялар, рентген бўлими ҳам мавжуд.

Айни пайтда шаҳар ва туман марказий касалхоналари қошида малакали мутахассислардан иборат тиббий кўриқ гуруҳлари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Улар олис қишлоқларда бўлиб, оналар ва болалар саломатлигини назорат қилиш ишлари билан шуғулланмоқда.

ЎЗА мухбири




Рассом: А. ҲАКИМОВ

МИНАТДОРИК

Яхши ниятлар билан Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетига ҳужжатлар топширдиму, етарли балл тўпламай шартнома асосида ўқишим керак бўлди. Лекин оилавий шароитимиз мени пул тўлаб ўқишимга тўғри келмасди. Туман ҳокими, "Камолот" жамғармаси туман бўлимидагилар менга ёрдам бериб, ҳозирда ўқишимга ҳомийлик қилишмоқда. Мен уларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ахир уларнинг саҳийликлари билан талаба бўлдим.Мақсадим қалами ўткир журналист бўлиш.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
талаба

4 наара: Эркин соат



"Назир Шоабдурасулов халқ душмани экан" - деган гап тарқалганда катталарнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Биз болакайлар эса ҳеч нимага тушунмаймиз. Орадан йиллар ўтиб, фарзандлари катта бўлганида отасининг қисмати уларни умрбод таъқиб этажагини англамаймиз.

Урушгача бўлган йилларда ҳам юрда рўшнолик бўлмади. Қама-қамалар туфайли эл ҳақиқда қолган пайтлар эди. Бу қора кунлар дугоналарим оиласи бошига ҳам тушди. "Назир акани хибсга олишибди" деган ёмон хабар тарқалди. Нега? Ҳеч ким билмайди. Нене кунлар тушмади Назир Шоабдурасуловнинг фарзандлари бошига. "Отасининг қилмишига боласи жавобгар

Мен эса девор-дармиён кўшним хонадониди бўлиб ўтаётган бу қора кунларнинг ҳамма қаторидаги унсиз шохиди эдим.

1937 йилда Ўзбекистон ер ишлари Халқ комиссари муовини бўлиб ишлаган чоғида халқ душмани деган айб билан хибсга олинган Назир Шоабдурасуловнинг ўзи ким эди?

Бу саволга жавоб олиш учун архив ходими Д.Бобожонова 1978 йилда чоп эттирган "Партия солдати" деган лавҳага мурожаат этамиз. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Негаки, унинг авлодлари орасида Назир Шоабдурасулов ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган ҳеч ким йўқ. Уруғ-аймоқлари, хотини Ҳалима Тўрақулова, ўғил-қизлари оламдан ўтиб

тинган Файзи опамнинг Москвада Маечка деган синглиси бор.

Бундан бир қанча йиллар муқаддам Москва телевидениесида Россия ҳукумати раҳбарининг матбуот котиби сўзга чиқди: қора қош, қора кўз, мўйлаби ҳам тим қора. Кимгадир ўхшатдим...

— Вой, Жалол акамга ўхшайди-я, - деб юборибман. - Жалол аканинг ўғли йўқ эди, ўғлимикан, деб турганимда сурат тагида ёзув кўринди "Игорь Шоабдурасулов". "Вой, бу Игорь дегани Файзи опамнинг жияни бўлиши керак. Синглиси Маечканинг ўғли-ку!" деган фикрга келдим ва Файзи опамга кўнғироқ қилдим.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ



ИЗЛАРИНГИЗНИ ИЗЛАЙМАН

эмас" деган собиқ советлар мамлакатада аслида отаси туфайли болалари қанчалар азият чекканини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳа, отанинг фарзанд тақдиридаги аламли изларини мен ўша Назир Шоабдурасуловнинг икки ўғли қисматида кўрганман.

Назир Шоабдурасуловнинг тўнғич ўғиллари Нуритдин рассомчилик билим юртини тамомлаб, яхши рассом бўлди. Уни жуда истеъдодли рассом дейишарди. Лекин иши сира юришмади — бирон асари кўргазмага қўйилмади. Негаки, у "халқ душмани"нинг фарзанди эди. Нуритдин аканинг иродаси бўш эканми, ичкиликка ружу қўйди.

— Нега ичасиз? Ундан кўра ижод қилсангиз бўлмайдими? — десалар, йиғлаб юборарди.

— Алаимдан ичаман, алаимдан! - дея эди кўксига уриб. - Чизганимнинг фойдаси йўқ. "Халқ душмани"нинг боласи одам эмас... Мен боши берк кўчадаман... Бошимни қайси тошга уришимни билмайман...

Иккинчи ўғил Жалол аканинг қисмати ундан ҳам оғир кечди. 1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, 1941 йилда хизматдан бўшаб ана қайтади, мана қайтади, деб онаизорлари интизор кутган чоғларида уруш бошланиб қолди ва у бедарак кетди. Оз эмас, кўп эмас, нақ ў-ўн йил-а! Улмаган онанинг жони... кейин билдик: бу йиллар ичида Жалол ака бирон кун рўшнолик кўрмабди: урушда асир тушиб қолган, асирликдан қочиб чиққач, ўзимизникилар қаммаган. "Халқ душмани"нинг фарзанди бўлгач, ундан яхшилик кутилмайди-да... Қамоқ муддатини ўтаб бўлгач эса унинг ўз юртига қайтиши, хат ёзиши қатъиян маън этилган. Сўнг у Украинанинг бир қатор шаҳарларида она-юртидан йироқда яшашга мажбур бўлган. Бу орада ёшига ёш қўшилиб, ёши ўттиздан ошганда, адашиб-улоқиб юрган чоғларида уйланган... Кўргуликларининг бари "халқ душмани" фарзанди бўлганининг оқибати эди.

кетган. Ўша лавҳада муаллифнинг ёзишича, Назир Фахритдинович Шоабдурасулов Сирдарё вилоятининг Авлиё ота, ҳозирги Жамбул шаҳрида 1898 йилда туғилган. Аввалига эски усулдаги мактабда, сўнг рус-тузем мактабини ўқиб тугатгач, Марки қишлоғида маданий-маърифий ишларни олиб борган, бу қишлоқда биринчи ўзбек мактаби ташкил этган, ўзи дарс берган. 1921 йилларда халқ маорифи бўлимида, кейинроқ Жамбул шаҳар партия кўмитаси бўлими мудирини бўлиб ишлаган. У Тошкент шаҳар босмахонасида коллегия аъзоси, райком масъул котиби

— Ҳа, менинг жияним Игорь, Майя Назировнанинг ўғли бу. Тўғри ўхшатибсан. Нақ дадамларнинг ўзгинаси, - дедилар.

Уйланиб қолдим ва бирдан: — Ирсият! - деб юбордим овозим борича.

Игорь Шоабдурасулов ҳеч қачон кўрмаган бобоси Назир Шоабдурасулов қиёфасида намоён бўлибди-қўйибди. Айни шу фикрлар билан банд чоғимда халқимизнинг "ўлган яхши, ўлгандан қолган яхши" деган нақли ёдимга тушди. Бу нақлни илк бор эшитганимда бу гап ёқмаган эди.

Ёшлар! Республикамиз мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси иш олиб бораётганидан хабардорсиз. Сизнинг яқин-йироқ қавм-қариндошларингиз ичида мустамлака зулмидан азият чеккан, қамалган, сургун қилинганлар бўлса, комиссияни хабардор қилинг. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69. (Ёшлар театри ёнбошида)

бўлиб хизмат қилган. Назир Шоабдурасулов гоҳ Маркида, гоҳ Тошкентда, гоҳ Хоразмда турли лавозимларда хизмат қилган. 1928-1932 йилларда Свердловск университетиди, кейинчалик Тимирязев академиясида ўқиган. 1934 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари ўринбосари вазифасида фаолият олиб борган. "У қандай яшади?" - деган саволга жавоб топмоқ анча мушкул. Зеро, у ҳаётдан кўз юмганидан бу ёёга орадан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб, юкорида зикр этилганидек, оилада катта авлод ҳаётдан кўз юмиб кетган бўлиб, эндиликда ҳаёт саҳнасида учинчи авлод — Назир Шоабдурасуловнинг набиралари, абираларини кўрамиз. Уларнинг бири Тошкентда бўлса, бири Москвада, яна бири Грецияда...

Девор-дармиён кўшни бўлганимиз учун билардик-ки, Назир амаки бошқа шаҳарларда яшаб юрган чоғида рус аёлига уйланган, биз опа-сингил ту-

Лекин, эндиликда бобокалонларимизнинг ҳар бир сўзи етти ўлчаб эмас, минг ўлчаб кесилган ҳақиқатлигига иймон келтирдим. Мана қаранки, Назир Шоабдурасулов Россия давлатида — Москвада яшаб Россия Президенти аппаратида хизмат қилаётган, дунёга кўз очиб, бобосини ҳеч қачон кўрмаган набира Игорь Шоабдурасулов бобоси қисматидан огоҳ бўлмоқлик учун мустақил республикамизнинг ташқи ишлар вазирлигига мактуб йўллабди. Демак, у республикамизда мустамлакачилик даври қурбонлари ёдини абадийлаштириш комиссияси иш юритаётганидан хабар топган ва бобоси номини Хотира китобига киритиш йўларини изляпти. Унгача, 1999 йил майида Назир Шоабдурасуловнинг бошқа набираси — кизи Файзи Шоабдурасуловнинг ўғли Фатхулла Шоабдурасулов бобоси номини Хотира китобига киритиш масаласига комиссияга мурожаат қилган эди.

Отаси қамалиб, изсиз кетган вақтда ўн уч яшар бўлган Файзи опа отасининг изини тополмагач, Москвага — ўрис онаси Наталья Моисеевадан падари тақдирини суриштирган эди.

1937 йилнинг 20 августиди хибсга олинганини ва 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий Судининг ҳарбий коллегияси тарафидан судланганини билган. Эссиз, шу ерга келганда Файзи опа ишни охирига етказишга улгурмади, оғир хасталик туфайли дунёдан ўтди. Энди унинг ўғли ва набираси бобоси Назир Шоабдурасулов изини излай бошлади.

Собиқ Совет тузуми даврида халқлар бошига тушган қатлиом неча миллионлаб қалбларни жароҳатлагани, наинки отиб юборилганидан, неча-неча йиллаб тутқингоҳларда азоб чекканларидан ташқари ҳатто уларнинг ота-оналари, фарзандлари, қавм-қариндошларини ҳам жазолаган бўлиб чиқади-ку. Бу жазонинг кўлами қанчага етган? Буни аниқлаб берадиган набираларнинг боболари изини излаб, унинг номини поклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари мустақиллигимиз туфайли амалга ошажаги муқаррар. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1999 йил 12 майида имзо чекан Фармон қафил!

Холида АХРОВА, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

УЗБАКДАГИ ОЛТМИШ

ЭНИГА: 1. Олтин Ўрда хони. 3. Мақомлар туркуми. 6. Самолёт русуми. 7. Шикор. 12. Афсонавий боғ. 14. Подшоҳнинг отларига қараб турувчи хизматкор. 16. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазир. 17. Металл арқон. 20. Тош йўнувчи. 29. Тикувчининг қуроли. 25. Футбол федерацияси. 26. XIV-XV асрда Осиёдаги давлатлардан бири. 27. Пайғамбарлардан бири. 29. Энг майда зарра. 30. Қўшнинг ... урушининг боши. 31. Европадаги шаҳар. 33. Таъқиқлаш, қонун-қоида, жазолаш. 34. Физикавий атама. 36. Ота қариндош. 39. Ёпиқ. 40. Ижод. 41. Аллоҳнинг уйи. 46. Хушбўй суюқлик. 49. Исм. 50. Жарчи, чақирувчи. 51...ни отини кўроқ дейдилар. 55. Самолёт русуми. 58. (Сўз) туркуми. 59. "Буюк Темура тарихи" асарининг муаллифи. 60. Ундан ҳатто Искандар Зулқарнайн кўрққан.

БҮЙИГА: 1. Мевали дарахт. 2. Кимёвий элемент белгиси. 3. Сурия ёки ... 4. Атом оғирлиги 24,31 бўлган кимёвий элемент. 5. Шаҳмат ибораси. 8. Европадаги давлат. 9. Волида. 10. Муқаддас сафар. 11. Англия футбол жамоаси. 12. Чойнак қисми. 13. Сахар. 14. Ҳиндистондаги шаҳар. 15. Еввойи узум. 18. Боғловчи. 19. Нота. 21. Ўзозла, парваришла. 22. Катта идиш. 23. Ер юзидаги биринчи одам. 27. Вазирлик. 28. Россия телеканали. 32. Дастлабки гурт халифадан бири. 33. Сирдарёнинг қадимги номи. 35. Шайбонийлар сулоласидан ... Саид. 37. Ўрта ва Қора денгиз оралиғидаги шаҳар. 38. Гарвард университетининг профессори Жон Хулбрейтнинг ватани. 42. Олтин. 43. Қуш. 44. Гул. 45. Ернинг йўлдоши. 47. Адамнинг хотини. 48. Бесуюқ. 52. Чап. 53. "Си". 54. Жисм. 55. "Ми"дан кейин. 57. Улов.

Тузувчи Мирза РАХИМОВ, Жиззах шахри

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 26 февраль сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

БҮЙИГА:

1. "Байрам". 2. Кўклам. 3. Арофат. 4. Кимано. 5. Май. 6. Лола. 10. Сел. 11. Тол. 15. Тўгарак. 16. Ҳарорат. 17. Ҳалим. 20. Ялпиз. 21. Зебо. 23. Кўчат. 24. Таёқ. 27. Киприк. 28. Малина. 33. Най. 34. Қир.

ЭНИГА:

1. Бойчечак. 3. Абгорлик. 7. Йўргак. 8. Майса. 9. Сомса. 12. Нилуфар. 13. Ўсма. 14. Она. 18. Салом. 19. Барака. 20. Янғроқ. 22. Варрак. 25. Арпа. 26. Ўчоқ. 29. Капалак. 30. Очерк. 31. Атала. 32. Озодалик. 35. Арғимчок

Наврўз кўшиқлари

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Наврўзга бағишланган кўшиқлар танловини ташкил этди. Республика "Наврўз" хайрия жамғармаси ҳомийлигидаги мазкур тадбир болалар кўшиқлари, эстрада ва фольклор бўйича уч йўналишда ўтказилди.

Бу кўшиқларнинг еттитаси танлов ҳайъати томонидан голиб деб топилди. Улар орасида "Севинч" болалар гуруҳи ижросидаги "Турна" /Ҳабиб Раҳматов шеъри, Хуршида Ҳасанова мусикаси/, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижро этган "Наврўз кунларим" /Пўлат Мўмин шеъри, Мустафо Бафоев мусикаси/ ва Республикада хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова куйлаган "Турналар" /Зулфия Мўминова шеъри, Дилором Омонуллаева мусикаси/ кўшиқлари айниқса юқори баҳоланди.

М.Одилова
(ЎЗА)

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

120 МАРТАРҲАН-
26 МАРТАРҲАЧА

ҲАМАЛ. Душанбада бойийсиз. Сешанба ижодкорлар кунини. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанба кунини алданиб қолманг. Ишбилармонлар учун омадли кун жума. Якшанба кунини молиявий аҳволингиз яхшиланади.

САВР. Ишларингиз душанба кунини бароридан келади. Сешанбада зиддиятлардан нари юринг. Соғлиқ-кайфиятингиз чоршанба кунини яхши эмас. Пайшанбада сирли учрашув. Жума кунини қувонасиз. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанбада яхши дам олинг.



ЖАВЗО. Ҳамкорлар билан ҳафта бошида тузган битимлар ўз самарасини беради. Сешанбада бой бўласиз. Чоршанба кунини кўнгирик кутинг. Пайшанба ва жумада кайфиятингиз о'кей. Шанба кунини яқинларингиз билан дийдорлашасиз. Якшанбада баракали ижод қиласиз.

САРАТОН. Қалам аҳли ишлари учун душанбани танлагани маъқул. Сешанбада бошланган ишлар бароридан келади. Чоршанба кунини ҳаменингиз қаппаяди. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Жума кунини кўнгирик кутинг. Дам олиш кунлари кўнгилик хордиқ чиқарасиз.

АСАД. Душанба кунини соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Ҳамкорлар билан учрашувни сешанба ёки пайшанбага қолдиринг. Чоршанба кунини бойийсиз. Жумада яқинлар билан кўнгириклашасиз. Шанба кунини соғлиқни авайланг. Якшанбани ўзингизга бағишланг.

СУНБУЛА. Ҳафта бошида зиддиятлардан нари юринг. Сешанба кунини сирли учрашув. Чоршанбада алданиб қолманг. Пайшанба кунини соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Жума ва шанба янгиликдан воқиф этади. Якшанбани оила даврасида ўтказинг.

МЕЗОН. Душанба ва пайшанба кунлари ишларингиз о'кей. Сешанбада саломатлик ҳақида қайғуринг. Чоршанба кунини хариддан кўнгилингиз тўлади. Кўпдан кутаётган хабарингизни жумада эшитасиз. Ишбилармонлар учун омадли кун шанба. Якшанбада яхши дам олинг.

АҚРАБ. Молиявий аҳволингиз душанбада яхшиланади. Сешанба кунини соғлиқни авайланг. Чоршанба янги битимлар имзоланадиган кун. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба ва якшанба кунлари яқинларингиз билан дийдорлашасиз.

ҚАВС. Ҳафта бошида қавслар учун сирли учрашув. Чоршанба кунини бозорингиз бароридан келади. Пайшанба харид учун хайрлик кун. Жумада узокдагилар билан кўнгириклашасиз. Шанба кунини соғлиқ учун қайғуринг. Якшанба кутганингиз билан бирга ўтади.

ЖАДЙ. Молиявий аҳволингиз душанбада яхшиланади. Сешанба ва чоршанба кунлари сизни сўроқлашади. Пайшанбада кўнгилингизга яқин одам билан дийдорлашасиз. Жума кунини ижод қилинг. Шанбада соғлиқни авайланг. Якшанба кунини зиддиятлардан нари юринг.

ДАЛВ. Ҳафта бошида омадингиз келади. Сешанба кунини соғлиқингиз безовта қилиши мумкин. Чоршанбада ишлар о'кей. Харид учун пайшанбани танланг. Жумада алданиб қолманг. Шанба кунини асабни асранг. Якшанбани ижодга бағишланг.

ХУТ. Душанба кунини сизни сўроқлашади. Сешанбада бозорингиз бароридан келади. Пайшанба кунини ҳамкорлар билан тузган битимингиз ўз самарасини беради. Жумада зиддиятлардан нари юринг. Дам олиш кунлари хутларни сирли учрашувлар кутмоқда.

Газетанинг навбатдаги сони 25 мартда чоп этилади

КАРАТЭЧИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида "Соғлом авлод" йилига бағишлаб каратэ бўйича республика чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг йигирмата жамоа вакилларидан 700 нафар йигит ва қизлар голиблик учун куч синашишти.

— Бу йилги чемпионат ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама юқори даражада ўтказилди, — деди беллашувлар бош ҳақами Тўлқин Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Мурасисиз кечган баҳсларда вилоятлардаги ёшларимиз орасидан ҳам янгидан-янги чемпионлар кашф этилгани, ушбу спорт турининг жадал оммавийлашаётганидан даракдир.

Дастлабки кунги баҳсларда 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган каратэ усталари кумитэ (якка олишув) бўйича гиламда рўбарў бўлишти. Ўғил болалар ўртасида финалгача етиб борган қаршилик Р.Халилов клубдоши Л.Турдиевдан устун келиб, биринчи чемпион унвонига сазовор бўлди. Кейинги баҳсларда "Каратэ" профессионал маркази, "Азамат Карим", "Бекобод", "Наманган", "Андижон" каби спорт мактаблари тарбияланувчиларининг қўли баланд кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги баҳсда "Азамат Карим" спортчиси С.Ниёзова "Каратэ" клубидан Ш.Абдурахимовани, Н.Тоштемирова қаршилик жамоодоши Э.Фармоновани доғда қолдириб, мусобақанинг илк чемпионлари бўлишти. Бундан ташқари ўн бир нафар ёш каратэчи қизлар ҳам олтин медаль соҳибалари бўлишти.

Иккинчи кунги қизгин баҳсларда 15-19 ёшли каратэчи йигит-қизлар ўз вазн тоифалари бўйича беллашишти. Унда "Каратэ", "Азамат Карим", "Наманган", "Андижон", "Фарғона" клубларининг спортчилари голибликка асосий даъвогарликларини исботлашти. Мутлақ вазндаги баҳсларда "Азамат Карим" клуби тарбияланувчилари учала совринли ўринни ҳам банд этишти. Жамоалар (учлик) ўртасидаги кумитэ (якка олишув)да эса, совринли ўринларнинг кўпчилиги "Каратэ" профессионал маркази спортчиларига насиб этди. Ката (кўргазмали чиқиш) бўйича якка тартибда ва жамоалар ўртасидаги беллашувларда "Каратэ", "Самарқанд", "Қарши", "Азамат Карим", "Умид", "Андижон", "Шарк" каби клуб каратэчиларининг чиқишлари юқори баҳолалиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Кўплаб ёш каратэчилар учтагача медалнинг соҳиби бўлишти. Умумжамоа ҳисобида "Каратэ" профессионал маркази биринчи, "Азамат Карим" ва "Қарши" клублари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни бўлишиб олди.

— Қадимдан аждодаларимизнинг миллий жанг санъати бўлган "Турон"ни янги қонунқоидалар асосида спорт турига киритиб, мамлакатимизда, қолаверса, халқаро миқёсда оммавийлигини ошириш бош мақсадимиздир, — деди беллашувлар бош ҳақами Акрам Шердонаев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ушбу спорт турининг ўзига хослиги шундаки, халқимиз иш билан машғул пайтида пешонабоғ тақиб олади. Турончилар мазкур урф-одатимизга мос равишда кўк ва қизил пешонабоғ тақиб, голиблик учун кураш тушади. Шунингдек, полвон рақибига нисбатан боши, қўли, оёғи каби аъзолар билан зарбалар бериши ва кураш услулари билан очко йиғиши лозим.

"ТУРОН" — МАРДЛАР ОЛИШУВИ

Тошкент Давлат Аграр университети спорт залида миллий спорт турларимиздан бири "Турон" яккакураши бўйича VI республика чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг вилоятларидан келган 250 нафардан ортик йигит ва қизлар 11 вазн тоифасида голиблик учун беллашдилар.

— Қадимдан аждодаларимизнинг миллий жанг санъати бўлган "Турон"ни янги қонунқоидалар асосида спорт турига киритиб, мамлакатимизда, қолаверса, халқаро миқёсда оммавийлигини ошириш бош мақсадимиздир, — деди беллашувлар бош ҳақами Акрам Шердонаев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ушбу спорт турининг ўзига хослиги шундаки, халқимиз иш билан машғул пайтида пешонабоғ тақиб олади. Турончилар мазкур урф-одатимизга мос равишда кўк ва қизил пешонабоғ тақиб, голиблик учун кураш тушади. Шунингдек, полвон рақибига нисбатан боши, қўли, оёғи каби аъзолар билан зарбалар бериши ва кураш услулари билан очко йиғиши лозим.

Икки кун давом этган баҳслар натижасига кўра, йигитлар ўртасида Собиров, А.Жабборов, Р.Раҳимов, Ф.Пардаев, А.Абдуллаев каби 11 нафар полвон чемпионлик унвонини қўлга киритдилар.

Чайир қизлар ҳам ўз маҳоратлари билан мухлислар олқишини олди. С.Ражабова, Е.Валиева, Д.Зоҳидова, Э.Ким каби 10 нафар турончи голиблик нашидасини сурди.

Мусобақа ташкилотчиларидан бири Б.Саидовнинг айтишича, жорий йилда мамлакатимиз вилоятларидан миллий спортнинг 15 тури бўйича Ўзбекистон ўйинлари бўлиб ўтади.

"Туркистон-пресс"

ДУНЁНИ ПИЁДА КЕЗМОҚДА

Дунёни пиёда кезиб чиқиш учун Хиндистоннинг Калькутта шаҳридан йўлга чиққан Дебасис Дель Таллин шаҳрига етиб келди.

У бундай саёҳатни 1991 йилда бошлаган эди. Таллин шаҳрида у Эстония ҳукумати аъзолари, ўқувчилар ҳамда БМТ вакиллари билан учрашди. Саёҳат 2014 йилда ниҳоясига етади. Дебасис Дель ўтган тўққиз йил мобайнида Бангладеш, Непал, Лаос, Вьетнам, Хитой, Корея, Россия, Финляндия, Норвегия, Исландия, Австрия, Чехия ва Польша давлатларида ҳам бўлди.

Жасур йигит ўз саёҳати давомида фақат яёв юрди, деярли бирор сўм ҳам маблаг сарфламади.

СОЧИ УЗУН ЙИГИТ

Молдавиялик Василий Лобанинг сочи елкасидан пастга тушади. Бу йигит 61 сантиметр узунликдаги сочини ювиб-тарашдан чарчаймайди.

Гиннеснинг рекордлар китобида ёзилишича, дунёда энг сочи узун эркек тайландлик Ху Саело экан. Саксон беш ёшли бу қария сочининг узунлиги 5,15 метр. Унинг етмиш беш йилдан буён сартарошга иши тушмаган.

НИНАЧИЛАР МУЗЕЙИ

Япониянинг Никамура шаҳрида ниначилар музейи бор. Уч гектар майдонни эгаллаган бу аъжойиб хонада уч мингдан зиёд ниначилар учиб юради.

Авиаконструкторлар ва учувчилар кўпдан буён бу жониворларнинг парвозини ҳавас билан ўрганадилар. Ниначилар ҳавода вертолётлар каби учиши, зарур бўлса ён томонларига кескин бурилиб, юқори тезликда парвоз қилишлари ёки кўз очиб юмгунча ҳаркат йўналишларини ўзгартиришлари мумкин. Бу эса самолётларни тақомиллаштириш учун олимларга янги фикрлар беради.

Қаноти 191 миллиметргача етган катта ниначилар Марказий ва Жанубий Америкадагина учрайди. Францияда топилган энг қадимий ниначиларнинг қанотлари 700 миллиметр катталиқда бўлган.

ЕВРОПАНИНГ БОЙ МАҲБУСИ

Уддабурон одамлар қамқоқхонада ётиб ҳам бой бўлиши мумкин экан. Лондонлик 41 ёшли маҳбус Эллис Мартин озодликдан маҳрум этилган жойидан адвокати ва дўсти орқали қонунга хилоф равишда олиб келинган сигарета, вино, пиво ва ароқ савдосига моҳирона раҳбарлик қилмоқда. Эллис қамқоқхонада ётиб уч йилда 40 миллион долларлик жамғарма соҳиби бўлди.

Эллис Мартин Европадаги қамқоқхоналарда сақланаётган энг бадавлат маҳбус ҳисобланади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ


Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Марбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқлангани мумкин.